

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

С.Д.Юсупова

Низомий номидаги ТДПУ Магистанти

Аннотация: *мазкур мақолада замонавий дарсга қўйиладиган дидактик талаблар мантиқан кетма-кет, изчил, илмий асослаб берилган.*

Annotation: *in this article the didactic requirements for a modern lesson are logically consistent, consistent, scientifically based.*

Калит сўзлар: *дарс, жараён, таълим, тарбия, билим, кўникма, малака компетенция, технология, принцип, интеграция, муаммо, интеллект, оптимал, самара, информация.*

Ҳозирги кунда таълим жараёнида инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш ва талаб кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири, таълимда кредит-модуль тизимининг йўлга қўйилганли бўлса, иккинчидан замонавий билимлар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар таълим олувчиларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди. Ўқув-тарбия жараёни мақсадига эришиши учун ҳар бир фан ва мавзунинг хусусиятидан келиб чиқиб педагогик, ахборот-коммуникацион ва бошқа технология ҳамда усуллардан фойдаланилади.

Замонавий дарс учта: таълим, тарбия ва ривожлантирувчи мақсадларни кўзда тутаяди. Бугунги кунда Ўзбекистонда «шахс манфаати ва таълим устиворлиги» эътироф этилган бир даврда педагогика фани эркин шахсни шакллантириш мазмуни, шакл ва усуллари ҳамда принципларини ўргатади. Ёшларга таълим ва тарбия беришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этиш ўқитувчининг ғоявий эътиқодига, касб маҳоратига, истеъдоди ва маданиятига, замонавий педагогик ва инновацион технологияларни қўллаш, ўқувчиларни фаолликка олиб келишига боғлиқ.

Замонавий дарсга қўйиладиган муҳим талаб инновацион технологияларни дарс жараёнига олиб кириб, ҳар бир дарс мавзунини илмий асослаш, ўқувчилар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, материал мазмуни ва ҳажмини белгилаш, унинг мураккаблигини аниқлаш; аввалги ўрганилган материаллар билан боғлаш; бир ёки бир неча фанлар билан интеграциясини асослаш, ўқувчиларга

бериладиган топшириқлар ва уларнинг мустақил ишлари тизимини ишлаб чиқиш; дарснинг моддий-техник негизини аниқлаш ва қўшимча кўргазмали қуроллар билан бойитиш; қўшимча ахборот (компьютер) воситаларидан фойдаланиш ва дарсда муаммоли вазиятни вужудга келтириб, таълим мазмуни ва сифатини оширишдан иборат.

Дарсга қўйиладиган муҳим талаблардан бири таълим усул ва услублари, инновацион технологиялар, фанлараро алоқадорлик, уларни ўзаро бир-бири билан мустаҳкам боғлаб олиб боришнинг самарадорлигини оширишдан иборат.

Таълим олувчиларга билим беришда замонавий таълим технологияларининг аҳамияти тўғрисида сўз борганда, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиш, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш долзарб вазифа.

Илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш айтиш кундаги педагогик жараённинг асосий мазмунини ташкил этади.

Албатта, таълим-тарбия онг маҳсули. Лекин айтиш вақтда онг даражаси ва унинг равнақини белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойтадиган муҳим омил. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди. Унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтишганда, халқимизнинг эртанги кунини қандай бўлиши, фарзандларимизнинг бугун қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ.

Маълумки, ўрта махсус, касб-хунар таълимини асосий бўғинини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Узлуксиз таълимни Давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда, аввало, уларнинг жаҳон талаблари даражасига жавоб бериши юксак маънавият замирида қурилганлигига асосий эътибор бериш керак. Баркамол авлодни тарбиялаш инсониятнинг эзгу орзуси бўлиб келган. Бундай орзудаги инсонлар азалдан маърифатга, маънавиятга мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари, энг мўътабар зиёлилари, ҳукмдорлари ҳисобланган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради. Ҳозирги замон мутахассислари, фаолият доиралари қандай бўлишидан қатъи назар, физика ва информатика бўйича кенг қўламдаги билимларга, замонавий ҳисоблаш техникаси, информатсион алоқа ва коммуникация тизимлари, оргтехника воситалари ва улардан фойдаланиш борасида етарли кўникма ва малакаларга эга бўлиши, янги

информацион техника ва технология асосларини унинг эртанги куни, ривожитўғрисидаги билимларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак.

Табиий фанлар доирасида олиб борилаётган тажриба-тадқиқот ишлари, аввалги тажриба-синов жараёнлардан фарқли равишда, академик лицей ва касбхунар таълими муассасаларида барча фанлар йўналишлари бўйича, яъни табиий фанлар (физика, география, кимё, биология), аниқ фанлар (математика, информатика), ижтимоий фанлар (тарих, ҳуқуқ, иқтисодий билим асослари, миллий ғоя туркумига кирувчи фанлар), гуманитар фанлар (она тили, адабиёт, ўзбек тили, хорижий тиллар) бўйича ташкил этилади. Яна бир жиҳати, мазкур таълим муассасалари тажриба-майдончалари эмас, балки тажриба-тадқиқот майдончалари деб аталмоқда.

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим таркибий қисми бўлган олий таълим муассасаларида таълим жараёни қуйи босқичда олинган фундаментал билимларга таянган ҳолда амалга оширилади. Шу жумладан, педагогика олий таълим муассасаларида биология ўқитувчисини тайёрлашда фанлараро алоқадорлик, аввалги билимларни янги вазиятларда қўллаш ва ўзаро манфиқий тафаккурни бойитиш муҳим омиллардан саналади. Айниқса, бу борада цитология, гистология ва эмбриологик билимларнинг ўрни беқиёс. Негаки, ўқувчи ёки талаба ситологияни билмасдан туриб биологик жараёнларни тўлиқ тушуна олмайди. Гистологик билимларни эгалламасдан туриб тўқималар таркиби, органларнинг тузилиши, пировардида эса организм тузилишини аниқ тасаввур эта олмайди.

Эмбриология соҳасидаги тушунча ва билимлар индивидлар, турлар ва турли систематик гуруҳларга мансуб организмларни ривожланишидаги ўзаро ўхшашлик ҳамда фарқли жиҳатларини таққослаш имконини беради. Эмбрионал тараққиётни билмасдан туриб, замон талабидаги биология ўқитувчисини тарбиялашнинг иложи йўқ. Хулоса қилиб айтганда, учта фан модулидан ташкил топган “Ривожланиш биологияси” фани фундаментал тадқиқот ишлари олиб борадиган ва педагогик фаолият юритадиган биологларнинг муҳим фанларидан бири ҳисобланади. Ривожланиш биологиясини ўқитишни янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш янада мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биз тадқиқот олиб бораётган изланишимизда ривожланиш биологиясининг бошқа фанлар билан горизонтал ва вертикал алоқадорлигини таъминлаган ҳолда, ўқитишни ташкил этишни мақсад қилганмиз. Ривожланиш биологияси таркибидаги тушунча ва билимларни ўзлаштиришда фақатгина биологик билимларни ўзигина етарли бўлиб қолмай, балки, ўз навбатида кимё, физика, математика фанларига оид тушунча ва билимларга мурожаат қилинади. Бунини шартли равишда веркитал (асинхрон) алоқадорлик дейишимиз мумкин. Шу билан биргаликда ривожланиш биологиясида ботаника, зоология, одам анатомияси ва физиологияси, генетика ва эволюцион таълим, биотехнология ҳамда генетик инженерия каби фанлар билан муайян курс давомида мурожаат

этилади, бу ҳолатни фанлар билан горизонтал (синхрон) алоқадорлик деб қарашимиз мумкин бўлади. Ушбу келтирилаган маълумотлар шаклланиб келаётган мутахассис биолог ва биология ўқитувчисининг мантиқий тафаккурини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш билан биргаликда тирик табиат ҳақидаги тасаввурини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар кадрлар тайёрлаш тизимининг мукамал бўлишига, замонавий иқтисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида ривожланишга қаратилган. Шу жумладан, биология ўқитувчиларини замон талаблари даражасида тайёрлаш айти мақсадга хизмат қилади. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама ривожланган шахс – фуқарони шакллантиришни кўзда тутди. Бу ўз навбатида фан, техника, илғор технологиялар асосида шахсни тарбиялаш, ўқитиш, ривожлантириш масаласини ҳал этиш учун хизмат қилади.

Дарсда талабаларнинг эркин, ижодий ишлашлари учун шароит яратиш керак. Бунинг учун дарсларнинг ҳар бир қисми аниқ лойиҳалаштирилиши, ўқув материални билим эгалловчиларнинг ўзлаштириш даражаларига мослаштириш, бир тушунча ёки билимни фақатгина айти фан юзасидан тушунтирибгина қолмай бир неча фан нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда изоҳлаш янада фойдали бўлади. Анъанавий таълим методлари билан бирга интерфаол методлардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири. Интерфаол методлардан фойдаланганда асосий урғу ўқувчиларни ҳамкорликда ишлашларига имкон берилиши ҳисобланади. Интерфаол методлар ўқувчида эркин фикрлаш, ижодий қобилиятни шакллантиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда ўқитишнинг фаол усуллари кўллаш педагогик технологиянинг асосини ташкил қилади. Педагогик технология ўз олдида таълим шакллари муқобиллаштириш вазифасини кўювчи, техник ҳамда шахс ресурслари, уларнинг ўзаро фаолиятини ҳисобга олиб, таълим бериш ва таҳсил олиш жараёнини яратиш, кўллаш ва белгилашнинг тизимли методи ҳисобланади. Биз тавсия этмоқчи бўлган Ривожланиш биологиясини фанлараро алоқадорликда ўқитиш айти фанни тизимли, изчил ва креатив даражада ўзлаштирилишига хизмат қилади.

Ўқитиш жараёнлари сифатини назорат қилиш ва баҳолаш, уларни таҳлил қилиш ва коррекция қилиш фанни талаб даражасида ўзлаштирилишига кўмакчи бўлади. Ўқитиш технологиясини жорий қилиш ва амалга ошириш жараёнида педагогик тизимнинг барча компонентларини уларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги ва ўқув жараёни қатнашчиларининг психологик хусусиятларини инобатга олиш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙЎАТИ:

1. Толипова Ж.О. Ғофуров А.Т. Биология ўқитиш методикаси -Т., 2012 . –128 б.
2. Madatov R. M., Ongarov M. B. Heredity and environment, their impact on the development of the organism //Экономика и социум. – 2018. – №. 4. – С. 38-39.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Ташкент: Фан ва технологиялар, 2006. -186 б.
4. N.Toshmanov “Rivojlanish biologiyasi” Navro'z nashriyoti Toshkent-2018 y. 17 b.t. 282 bet
5. Авлияқулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Янги педагогик технологиялар. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 190 б.
6. Rakhmatov U. E. Cognitive tasks in educational-upbringing process on biology //International scientific review of the problems and prospects of modern science and education. – 2019. – С. 60-61.
- 7 Ergashevich, R. U. (2019). Cognitive tasks in educational-upbringing process on biology. International scientific review, (LVII), 60-61.
- 8 Shakhmurova, G. A., Rakhmatov, U. E., & Saidjanova, U. S. A complex of entertaining tasks and exercises on Biology as one means of enhancing the cognitive skills of students. Asia life sciences, 30(1), 87-97.
- 9 Shakhmurova, G. A., Azimov, I. T., Rakhmatov, U. E., & Akhmadaliyeva, B. S. Solution of biological problems and exercises (human and health). Teaching-methodological guidance." Literature sparks.